# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 8 апрель, № 69 (5236) Жума


# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

***Улуғ сўз санъаткори, ҳазрат Алишер Навоийнинг кўпчиликка ёд бўлиб кетган машҳур бир рубоийсида шундай маъно-мазмун мужассам: инсон мусофирчиликда ёки тутқунликда ҳеч қачон шод-хуррам бўлолмайди. Гарчи унга барча шарт-шароит яратиб берилган бўлса ҳам, у зинҳор-базинҳор яйраб яшай олмайди, чин дилдан кула олмайди, дея улуғ шоиримиз озодликнинг, эркинликнинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини ифода этганлар.***

**Фахр**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Шукрки, биз, мана йигирманчи йилдирки, истиқлол деб аталмиш муқаддас неъматдан баҳраманд-миз. Асрлар силсиласида киприк қоққунчалик бу йиллар давомида Ўзбекистонимиз Президентимиз раҳнамолигида чин маънода ОЗОД ва ОБОД мамлакатга айланди. Ватанимизнинг иқтисодий салоҳияти, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий имкониятлари нечоғли улкан эканлиги дунёга намоён бўлди.

Озод ва обод, энг муҳими, тинчлик-осойишталик ҳукмрон юртга байрамлар ярашади. Шу маънода, Президентимизнинг кеча эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори беқиёс аҳамиятга эга.

— Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорини диққат билан ўқиб, ниҳоятда ҳаяжонландим, — дейди Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳиби Нодира Дадамуҳаммедова. — Унда кўзда тутилган ҳар бир мақсад дилимиздаги ғурур ва ифтихор туйғусини оширади, юртимизнинг янада тараққий этиши йўлида ҳар биримизга беҳад куч ато этади. Зеро, 20 йил мобайнида Президентимиз раҳнамолигида улкан муваффақиятларга эришдик. Кечагина дунё мамлакатлари сафида ўз Конституциямизга, Байроғимизга, Гербимизга, Мадҳиямизга эга бўлганимиз учун қувонган эдик. Шукрки, бугун ўз сўзимиз, ишимиз, иқтидоримиз билан фахрланаяпмиз. Мен ҳам азиз Юртбошимизнинг ғамхўрлиги, беқиёс эътибор ва эъзозлари туфайли истеъдоди қанот ёйган минглаб фарзандлардан бириман. Яшашдан мақсадим шуки, бор истеъдодимни, куч-ғайратимни Ватанимизнинг шон-шавкатини оширишга ҳисса қўшишга сарфлаб, ота-онам, Президентим ишончини оқлашдир!..

(Давоми 2-бетда).

# ТОШКЕНТ УЧРАШУВЛАРИ

***Тошкент шаҳрида 2011 йил 7 апрель куни ташқи ишлар вазирлари даражасида навбатдаги “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” учрашуви бўлиб ўтди. Унда Европа Иттифоқи кенгашида раислик қилаётган Венгрия ташқи ишлар вазири Янош Мартони, Европа Иттифоқининг ривожланиш бўйича комиссари Андрис Пиебалгс ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пьер Морель, шунингдек, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ташқи сиёсат маҳкамаларининг раҳбарлари иштирок этди.***

Учрашувда томонлар Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан Янги шериклик стратегиясини амалга ошириш доирасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболларига доир, савдо-иқтисодий алоқалар ҳамда энергетика, атроф-муҳит, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш ва наркотрафикка қарши курашиш соҳаларида минтақавий ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилдилар. Шунингдек, Афғонистондаги вазият ҳамда минтақавий хавфсизликка оид томонларни қизиқтирган бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти билан Европа Иттифоқи делегациясининг икки томонлама музокаралари якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Европа Ҳамжамиятлари ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида протокол имзоланди.

Шу куни Ўзбекистон ва Венгрия ташқи ишлар вазирлари даражасида сиёсий маслаҳатлашувлар ҳам бўлиб ўтди.

**(ЎзА).**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ташаббуси билан Қонунчилик палатасида Олий Мажлис Сенати ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари” мавзуида матбуот конференцияси ўтказилди.***

# ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Матбуот анжуманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот агентликлари вакиллари иштирок этди.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида белгиланган олтита устувор йўналишлардан бири бўлган Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишининг мақсади ва бу борада қабул қилиниши кутилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир аввалида эътироф этилдики, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мазкур Концепция чуқур таҳлилларга бойлиги, кенг қамровлилиги, юртимизда кечаётган жараёнларга бутунлай янгича қараш билан ёндашилгани, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш борасида илғор ғояларнинг ўртага ташланганi билан ниҳоятда долзарб аҳамиятга эгадир. Тақдим этилган Концепция мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича танлаган йўлимизда навбатдаги изчил қадам бўлиб, тараққиётимиз янги даврининг асосий йўналишларини белгилаб бермоқда. Унинг самарали амалга оширилиши Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш йўлида мутлақо янги уфқларни очиб беради.

Матбуот анжумани иштирокчилари таъкидлашганидек, Концепцияда тақдим этилган ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш чоралари босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш нуқтаи назаридан келиб чиқади. Шунингдек, унинг соҳадаги реал воқелик билан мукаммал ва чуқур мувофиқлашиши теран мазмун-моҳият касб этади. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан Концепцияда таклиф этилган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратини таъминлаш борасидаги ролини кучайтириш йўлидаги самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга моликдир.

(Давоми 2-бетда).

**Мишель ТАЙАД:**

# «ЎЗБЕКИСТОНДА САЛМОҚЛИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИЛГАН»

## Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида халқаро андозаларга асосланган кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилди.

*Мустақиллик йилларида юртимизда Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бунинг натижасида бугун мамлакатимизда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берувчи, ўз ичига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва турли йўналишларга ихтисослаштирилган марказларни олган тиббий муассасалар тармоғи яратилди. Вилоятларда кўп тармоқли шифохоналар фаолият юритмоқда, барча туманларда замонавий жиҳозлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилган. Бунинг натижасида кейинги йилларда аҳоли ўртасида касалланганлик умумий даражаси кескин қисқарди. Ўртача умр кўриш давомийлиги эса анча ошди. Бутунжаҳон саломатлик куни арафасида мухбирларимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мишель ТАЙАД билан учрашиб, унинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ва уни ислоҳ қилиш натижалари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдилар.*

**Эътироф**

— Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш йўналишида салмоқли муваффақиятларга эришилди, — деб таъкидлади жаноб М. Тайад. — Соғлиқни сақлаш тизимида кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилди, халқаро андозаларга асосланган тиббий хизмат кўрсатиш тузилмаси яратилди.

Шу муносабат билан 1998 йил ноябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини таъкидлаб ўтишни истардим. Унинг асосий мақсади тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос моделини яратиш, мазкур соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишдан иборат эди. Ушбу дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли соғлиқни сақлаш тизимида даволашнинг илғор усул ва шакллари жорий қилинди. Соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғини, хусусан, қишлоқ врачлик пунктларининг базаси ғоят мустаҳкамланди, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббий кадрлар тайёрлаш кўрсаткичларининг кескин яхшиланишига эришилди, фармацевтика жадал ривожланди. Шаҳар ва қишлоқларда ўнлаб тиббий муассаса, даволаш ва соғломлаштириш марказлари қад кўтарди. Бунинг барчаси инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, ўртача ҳаёт кечириш даврини узайтириш ва турмуш сифатини яхшилашга қаратилган.

**— Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Биласизми, тиббий хизмат кўрсатиш даражаси аҳолининг ўртача умр кўриши ҳамда оналик ва болалик ўлими кўрсаткичлари қай даражада эканлиги билан белгиланади. Шу маънода, айтиш мумкинки, Президент Ислом Каримовнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисидаги сўзлаган нутқида Ўзбекистонда оналар ўлими даражаси икки баравардан кўпроқ, болалар ўлими уч баравар камайгани таъкидланди. Охирги 20 йил ичида аҳоли ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса — 75 ёшгача ошди.

Қисқа муддатда республиканинг барча ҳудудларида кўп функцияли тиббий жиҳозлар ва малакали кадрлар билан таъминланган замонавий ташхис марказлари яратилди.

**— Ўзбекистонда юқумли касалликлар профилактикаси бўйича олиб борилаётган ишларга қандай баҳо берасиз?**

— Статистикага кўра, инфекцион касаллик ўлимга сабаб бўлиш жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллайди. Айни вақтда унинг олдини олиш учун шифокорлар таъсирчан восита — вакцинали профилактикага эгалар.

Ўзбекистонда мазкур соҳада салмоқли муваффақиятларга эришилди. Вакциналы профилактика ҳисобига кўплаб юқумли касалликлар сони бир марталик ҳолатларгача қисқартирилди. Илғор жаҳон тажрибасига асосланган Миллий эмлаш тақвими қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

***Кичик бизнес — ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи етакчи куч. Бунга истиқлол йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар мисолида амин бўлдик. Чунки бу соҳа бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, фаолият йўналишларини тез ўзгартириш, бир пайтнинг ўзида кўплаб иш ўринлари очиш имкониятига эга.***

# КИЧИК БИЗНЕС КАТТА ИШЛАРГА ҚОДИР

**Дил сўзи**

Шунинг учун Президентимиз ташаббуси билан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларга турли имтиёзларнинг берилиши миллий иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида шаклланишига хизмат қилаяпти. Жорий йил мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши эса бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириб юборди.

Президентимизнинг шу йил 4 апрелда эълон қилинган “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони биз, тадбиркорларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Унда белгилаб берилганидек, янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти уч йилгача режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди.

Бундай имтиёзлардан самарали фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъектлари ҳам четда қолмагани, айниқса, қувонарлидир. Фармонда, жумладан, шундай дейилади: “2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади...” Бу, ўз навбатида, янги корхоналарнинг тезда оёққа туриб олиши, мавжудларининг жадал ривожланиши учун катта имкониятдир. Бунга Яккабоғ туманида иш олиб бораётган жамиятимиз фаолияти яққол мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

## давлатга ҳамкор ва шерик ташкилот сифатида тараққиётимизга хизмат қилади

***Бугун мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга, айниқса, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига асосланган ислоҳотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Маълумки, юртимизда фуқаролик жамияти институтлари деганда, биринчи галда, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат фондлари, ҳаракатлар, диний ташкилотлар, мустақил оммавий ахборот воситалари назарда тутилади. Истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар яратилди, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари ишлаб чиқилди.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши, энг аввало, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни кафолатлаш билан уйғун жараёндир. Инсон, унинг манфаатлари олий қадрият деб тан олинган Ўзбекистонда бунинг аҳамияти ниҳоятда катта. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввалambор, инсон учун”дир. Давлатимиз раҳбарининг

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

кеча матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида илгари сурилган “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!” шиори замирида ҳам мана шу ғоя мужассамдир.

Бу тамойил юртимизда инсон манфаатлари улуғланишига қаратилган ислоҳотлар мазмун-моҳиятида ўз аксини топган. Буларнинг барчаси ҳар биримиздан жамият равнақи йўлида амалга оширилаётган ўзгаришларга лоқайд бўлмасдан, фаол фуқаролик позицияси асосида ёндашишимизни талаб этади. Айни пайтда давлат идоралари раҳбарлари, турли даражадаги мансабдор шахсларнинг фуқаролик жамияти институтларига, унинг вакилларига беписандлик билан қараш муносабатини бартараф этиш каби масалалар ҳам долзарб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, фуқаролик жамияти институтлари ҳам етарли салоҳиятга эга бўлиши, мамлакатимиздаги туб ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирокчи, пешқадам бўлмоғи лозим.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Чунончи, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга ошираётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

# ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари И. Саифназаров таъкидлаб ўтганидек, мазкур қонуннинг ҳаётга жорий этилиши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам ҳар тарафлама кучайтиради. Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, аввламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлайди. Шу билан бирга, ушбу қонун ҳужжатининг амалга киритилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда таъминлаш назарда тутилмоқда.

Бу эса, давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиатузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни кўзда тутади. Шу ўринда мутахассислар ва журналистлар томонидан ушбу қонун лойиҳасига таклифлар, лойиҳани ҳар томонлама мукаммал тайёрлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни шакллантириш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, ОАВ ходимлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатиш, журналистлар томонидан ахборотлар олиш, тўплаш ва тарқатиш масалаларида қонунчиликни такомиллаштириш, журналистларни аккредитациядан ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Матбуот конференцияси давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Концепцияда илгари сурилаётган давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиатузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Бу борада бугунги кунда айрим давлат ва жамоат бирлашмаларида ташкил этилган ахборот хизматларининг ижобий иш услуби мисол тариқасида таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 150 нафар журналистнинг аккредитация қилинганлиги ҳамда ўтказилаётган қатор семинар-тренинглар парламент журналистикасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани ОАВ вакиллари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Матбуот конференциясида Концепциянинг Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида кўзда тутилган янги қонун лойиҳалари ҳамда амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қатор таклифлар ўртага ташланди.

Бу борадаги ишларни янада кучайтириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенати ҳамда Адлия вазирлигининг таклиф ва тавсиялари ишлаб чиқилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарорда алоҳида қайд этилганидек, беназир неъмат — истиқлолнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва тарғиб этишда расмиятчилику баландпарвозликдан холи тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган. Зеро, шу кунларда мамлакатимизнинг барча жойларида энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг шонли 20 йиллик шодиёналарига ҳозирлик кўрилмоқда. Жона-

бу ютуқлардан гурурланиб-фахрланиб яшашга тўла ҳақлидир".

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган беқиёс ислоҳотлар боис эндиликда нафақат марказий жойларда, балки чекка-чекка масканларда ҳам янгидан-янги иншоотлар барпо этилаяпти. Эл-юрт учун ишга туширилаётган ижтимоий-маиший объектлар, шифохона, мактаб, коллеж, лицейлар, кенг ва равон йўллар инсон ва унинг манфаатига қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир. Зотан, одамлар онгу тафак-

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

жон Ўзбекистонимизнинг дадил одимлар билан ривожланаётгани, тенглар ичра тенг мамлакат эканлиги, шаҳару қишлоқларимиздаги янгиланишлар, эл олис ҳудудларда ҳам кўз кўрса қувонадиган биноларнинг қад ростлаши, замонавий тураржойлар барпо этилиб, ўз эгаларига топширилиши, фарзандларимизнинг муҳташам ва янги ўқув масканларида билим олаётгани Истиқлол шарофатидандир. Йигирма йил ичида асрларга тенг ўзгариш ва ривожланиш марраларини эгалладик.

Қарорда улуғ байрамимизнинг жорий йилда бутун юрт бўйлаб **"Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!"** деган ғоя асосида нишонланиши кўрсатилган. Бунинг замирида ҳам 20 йил мобайнида ҳаётга татбиқ этилган барча соҳадаги ислоҳотлар инсон учун, унинг манфаатлари учун эканлиги ва бу борада эришилган ютуқлардан фахрланиш туйғуси мужассам. Зотан, Президентимиз Истиқлолнинг 19 йиллигига бағишланган байрам табригида айтганларидек, "Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб шарт-шароит яратиш ва ғамхўрлик кўрсатиш узлуксиз ўсиб бораётганининг тасдиғи сифатида аҳолимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бундай натижаларга албатта бир-икки йил мобайнида эришиб бўлмайди. Бу марраларни биз мустақиллик йиллари давомида халқимизнинг кундалик машаққатли ва ўта оғир меҳнати эвазига қўлга киритганмиз. Шунинг учун бу мўътабар заминда истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиз

куридаги ўзгариш — мустақиллик йилларидаги энг катта ютуқдир. Шунинг учун ҳам озодлик деган сўз, элим деб, юртим деб ёниб яшайлик, деган шиор ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

— Истиқлол фақат эркинликни эмас, балки қандай яшашни, бошқалардан кам бўлмасликни ҳам дилимизга жо қилди, — дейди Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Зиёдулла Санаев. — Президентимизнинг оқилона сиёсати, узоқни кўзлаб олиб борилаётган раҳнамолиги боис мураккаб ва шарафли йўл босиб ўтилди, кўз кўрса қувонадиган улкан натижаларга эришилди. Демак, бу сана Ўзбекистон тарихида, миллатимизнинг келажаги ва тақдирида ғоят улуғ аҳамиятга моликдир. Энг муҳими, одамлар онгида бугунги кундаги муносабатларга янгича нигоҳ билан қараш шаклланди. Жаҳон узра ЎЗБЕКИСТОН деган давлатнинг обрў қозониши, "Ўзбек модели" сингари бугун бутун дунёда эътироф этилаётган ривожланишнинг ўзига хос йўли пайдо бўлиши ана шу қисқа даврда эришилган оламшумул воқеадир.

Дунёда неки мавжудот бор, ўз маконини эъзозлайди. Ҳатто полапонларини учирма қилишга ўргатаётган жонсарак қушлар ҳам ўз ини атрофида ҳар доим парвона, чуғурчуғига кўз-қулоқ бўлишади. Бинобарин, сизу бизнинг орзу-умидларимиз ҳам, эзгу ниятларимиз ҳам ўз Ватанимизда бўй чўзади. Шунинг учун бўлса керак, юрт ҳақида гап кетганда, она сўзини, албатта, тилга оламиз. Зеро, ота-онамиз бизга нечоғли мўътабар бўлса, Ватанимиз ҳам шу қадар бебаҳодир.

Шундай экан, ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган кун — Мустақилликнинг ҳар куни, ҳар соати, ҳар дақиқасини кўзларимизга тўтиёлар айлаб, шодон тантаналар қилсак, арзигай!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

## оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришда ҳал қилувчи омиллардан биридир

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг устувор вазифалари" мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди. Мазкур анжуманда қуйи палата депутатлари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари ва олий ўқув юртлари талабалари қатнашди.***

Семинарда мамлакатимизда ахборот-коммуникация соҳасини ислоҳ этиш, унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, унга замонавий технологияларни жорий этиш ва пировардида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидлаб ўтилди. Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида бу борадаги ютуқлар алоҳида эътироф этилиб, соҳани ривожлантиришга қаратилган қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш ҳамда "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш шулар жумласидандир.

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Тадбирда ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мазкур қонунларни ишлаб чиқиш, ахборот олишда эркинликни ва тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлиги тамойилини юзага чиқариш, соҳага бозор механизмларини олиб кириш ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, фуқаролик жамиятлари институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш масалалари муҳокама этилди. Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш тартибини аниқ белгилаш, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни кучайтириш, мобиль ва рақамли телевидение каби илғор технологияларни тармоқда қўллаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини давлат ва жамият бошқарувига кенг жорий этиш айни зуруратдир.

Шунингдек, семинарда ахборот соҳаси жадал суръат билан ривожланиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида аҳолини, айниқса, ёшларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётгани айтиб ўтилди. Бунинг учун ёшлар онгида мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятидан уларни тўлиқ бохабар қилиш, шу жумладан, ахборот соҳасини ривожлантириш зарурдир. Албатта, бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Семинарда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

## давлатга ҳамкор ва шерик ташкилот сифатида тараққиётимизга хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундай қонун, энг аввало, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар соҳаларда давлат идоралари билан бирга, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутади. Яъни жамият ҳаётининг турли-туман йўналишларида истиқболли дастурлар, лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган муқобил йўллар ҳукумат, давлат бошқаруви идоралари ва маҳаллий ҳокимиятларнинг бу борадаги тадбирлари билан бир қаторда рўёбга чиқа бошлайди, ҳаётга татбиқ этиш учун қабул қилинади. Қисқача айтганда, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти учун кенг имкониятлар яратишнинг ҳуқуқий базаси юзага келади. Бу фуқаролик жамияти институтлари давлатга ҳамкор ва ҳамфикр тузилмага айланади, деганидир. Айни чоғда учинчи сектор вакилларидан, яъни фуқаролик жамияти институтларидан уюшқоқликни, ўз салоҳиятини кучайтиришни, ташкилий, молиявий ҳолатини тубдан яхшилашни талаб этади. Зеро, мазкур қонун ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, турли ижтимоий масалалар ечимини нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал этишга шароит яратади.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич 2000 йилдагига қараганда 2,5 баробар кўпдир. Улар қаторида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун", "Нуроний" жамғармалари, "Ижод" фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкин. Биргина Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси 400 дан ортиқ ташкилотни ўз сафида бирлаштирган.

Концепцияда илгари сурилган ташаббуслар бундай ташкилотлар фаолиятини янги босқичга кўтаришни, турли нодавлат нотижорат ташкилотлардан фаолликни, аниқ йўналтирилган мақсадли фаолиятни ташкиллаштиришни талаб қилмоқда. Ҳозирги кунда Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларга давлат бюджетидан грант, субсидия, буюртма асосида маблағлар берилаётган бўлса-да, нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фақат давлат кўмагига қараб қолмаслиги, қонунчиликда кўзда тутилган бошқа механизмлардан ҳам самарали фойдаланиши лозимдир. Бугун Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, бошқа йирик нодавлат ташкилотлари иш фаолиятлари кўламини кенгайтиришлари, самарали ташкилотларга айлантиришлари, яъни аҳолининг кенг қатламларига маъқул бўладиган инновацион ғоялар, лойиҳалар устида иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Бу, айниқса, республика миқёсида фаолият юритаётган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати каби қатор фуқаролик жамияти институтлари учун долзарбдир. "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги Қонун айнан шундай ташкилотларга имкониятлар эшигини кенг очиб беради. Мазкур қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши, оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритилиши мақсадга мувофиқдир.

Юртбошимиз Концепцияда илгари сурган яна бир муҳим ғоя "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш заруратидир. Маълумки, демократик ҳамда очиқ жамиятда давлат бошқаруви аҳолининг бевосита ва билвосита иштирокида амалга оширилади. Бу жамият ривожида муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, шундагина фуқаролар мамлакатда қандай қарор ва дастурлар қабул қилинаётганини, уларнинг қай йўсинда бажарилаётганлигини, масъул ва мансабдор шахслар ўз вазифаларини нечоғли адо этаётганлигини очиқ-ойдин билиб бориши, керак бўлса, бу жараёнларга ўз муносабатларини билдириши мумкин бўлади. "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши айнан шу талабларга жавоб беради, албатта.

Умуман, жамоатчилик назоратига оид қоида ва нормалар мамлакатимизнинг амалдаги 30 дан ортиқ қонунларида, шу жумладан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш, экологияга оид бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Шу билан бирга, Концепцияда таклиф этилган янги қонун давлат бошқаруви идоралари устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини беради. Бунинг учун, Президентимиз таъкидлаганидек, "Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур". Ўйлаймизки, бу қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилади ва кенг жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, демократик принципларга асосланиб қабул қилинади. Пировардида юртимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

**Л. САИДОВА,**
**Юристлар малакасини ошириш маркази кафедраси мудири, юридик фанлар доктори.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зарур вакциналар билан ўз вақтида ва тўла ҳажмда таъминлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўлда ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бу соҳада қилинган улкан

— Аҳоли овқатланиш тизимини яхшилаш мамлакатингиз турмуш фаровонлигини юксалтириш Миллий стратегиясининг таркибий қисми эканлигини таъкидлаш жоиз. Овқатланиш муаммоларини ҳал қилишда устувор йўналиш ва ёндашувлардан бири ҳам аҳоли ўртасида микронутриент етишмовчилигини профилак-

Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Она ва бола соғлиғини сақлаш юзасидан ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш юзасидан катта иш олиб борилмоқда. Хавфсиз ҳомиладорликни таъминлаш, самарали перинатал парвариш, гўдаклар реанимацияси, кўкрак сути

марказида турибди. Тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари таълим жараёнига энг илғор усуллар татбиқ этилаётир.

Моҳиятан, Ўзбекистонда ҳақиқий тараққиётга эришилди, бу ерда миллий соғлиқни сақлаш дастурлари доирасида аёллар ва болалар саломатлигига устувор эътибор

**Мишель ТАЙАД:**

# «ЎЗБЕКИСТОНДА САЛМОҚЛИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИЛГАН»

саъй-ҳаракатлар натижасида республикада, масалан, дифтерия касаллиги 2001 йилдан буён қайд этилмаган. "В" гепатити билан касалланиш даражаси 2010 йилда 1990 йилдагига нисбатан кўп маротаба қисқарди. Полиомиелит хасталиги 1996 йилдан буён қайд этилмаган. Вакцинали профилактика соҳасидаги бу каби муваффақиятли мисоллар Ўзбекистонда талайгина.

— **Юртимиз билан чегарадош мамлакатларда эпидемик вазият қай ҳолатда? Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи омиллар олдини олиш учун қандай чоралар амалга оширилмоқда?**

— 2010 йилда Марказий Осиёнинг айрим мамлакатларида полиомиелит билан хасталаниш ҳолатлари қайд этилди. Келиб чиққан вазиятни ҳисобга олиб, республика ҳукумати халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмагида, вужудга келган таҳдидни бартараф қилиш бўйича тезкор чоралар кўрди. 2010 йил мобайнида Миллий эмлаш кунларининг тўрт раунди ўтказилди. Масалан, эмлаш кампанияси билан 11 миллиондан ортиқ одам қамраб олинди. Турли мутахассисликдаги врачларнинг полиомиелит хасталигида диагностика, даволаш, профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил қилиш борасида махсус билимларини юксалтиришга қаратилган ишлар амалга оширилди. Аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот ишлари олиб борилди. ЖССТ таклифига кўра, 2011 йил апрель — май ойларида ушбу хасталикка қарши навбатдаги Эмлаш кунларини ўтказиш мўлжалланган бўлиб, уч валентли полиомиелит вакцинасининг бир неча миллион дозаси харид қилинди.

— **Ўзбекистон томонидан микронутриент етишмовчилигини профилактика қилиш соҳасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қандай баҳо берасиз?**




тика қилишдир. Бугунги кунда республикада озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш учун қонунчилик базаси яратилган. "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида", "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги қонунлар, 2010 йилда эса "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ҳукумат томонидан болаларнинг жисмоний ва интеллектуал камолоти учун зарурий бўлган унни бойитиш, тузни йодлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Оналар соғлиғини мустаҳкамлаш ва туғма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида давлат томонидан поливитамин мажмуаларини сотиб олишга 8 миллиард сўм ажратилди. Бу эса ҳар йили қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи 400 минг ҳомиладор аёлни соғломлаштириш имконини беради.

— **Фикрингизча, Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасига халқаро андозаларни жорий қилиш борасида қандай натижаларга эришилди?**

— Аёллар ва ўсиб келаётган авлодга ғамхўрлик кўрсатиш — жамиятнинг эртанги куни, келажак ҳақида қайғуриш демакдир. Айнан шу сабабли оналик ва болалик муҳофазасини тубдан яхшилаш вазифаси соғлиқни сақлаш соҳасида энг муҳим йўналишлардан саналади.

билан эмизиш, болалар ўсиши ва ривожланишини мониторинг қилиш, болалик ёшидаги хасталикларни интеграллашган ҳолда даволаш стратегиясини жорий этиш бўйича лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти республика соғлиқни сақлаш вазирлигини илк ёшдаги болалар хасталикларини интеграллашган ҳолда юритиш (ИЁБХИЮ) дастурини амалга оширишда фаол қўллаб-қувватламоқда. Чунки бу 5 ёшгача болалар орасидаги ўлим даражасини қисқартириш ва улар соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида асосий стратегия саналади. Тиббий муассасаларда мазкур стратегия болалик ёшидаги хасталикларни амбулатория шароитларида тўғри даволаш, оғир хасталикка эга болаларни стационарга ўз вақтида йўналтиришга хизмат қилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ЖССТ томонидан таклиф этилган халқаро мезонларни муваффақиятли жорий этмоқда. Хусусан, гўдаклар ўлими даражасини янада камайтириш дастури амалга оширилмоқда, кўкрак сути билан эмизиш тамойиллари жорий этилмоқда. 102 та туғуруқ мажмуаси, 74 поликлиника ҳамда қатор ҚВПлар ЖССТ ва ЮНИСЕФнинг нуфузли "Болаларга меҳрибон муассаса" сертификатини олдилар.

Мамлакатингизда тиббий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи эътибор қаратилди. Айни пайтда технология, даволаш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновацион қарорлар янада малакали ёрдам кўрсатишга хизмат қилиб, молиялашнинг янги ва амалдаги механизмлари эса тиббий хизмат кўрсатиш нархини янада мақбуллаштирмоқда.

— **Президентимиз томонидан баркамол авлодни тарбиялаш, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақдаги фикрингиз қандай?**

— Болалар — бизнинг келажакка киритаётган сармоямиз. Кейинги ўн йилликларда мамлакатдаги фаровонлик ва барқарорлик даражаси уларнинг саломатлигини ҳамда ўсиши ва ривожланишини, шу жумладан, ўсмирлик чоғидан камолот ёшигача бўлган давргача қай йўсинда таъминлашимизга боғлиқ. Президент Ислом Каримов томонидан болалар спортига қаратилаётган эътибор келажак авлод камолотига ЖССТ томонидан таклиф этилган стандартларга мувофиқлиги бизни ғоятда хурсанд қилади.

— **Маълумки, жорий йилда Бутунжаҳон саломатлик куни мавзуи антибиотикларга чидамлиликка бағишланган. Бу масаланинг долзарблиги нима билан изоҳланади?**

— Антибиотикларга чидамлилик — катта эътибор қаратилиши лозим бўлган халқаро аҳамиятдаги муаммодир. Антибиотиклардан нотўғри фойдаланиш уларга чидамлиликнинг ривожланиши ва тарқалишига хизмат кўрсатиши мумкин, кейинчалик эса хасталикни даволашнинг иложи бўлмайди. ЖССТ даволаш воситаларини тайинлаётган тиббиёт ходимларини, фармацевтика саноати вакиллари ва бошқаларни антибиотиклардан фойдаланишда масъулиятли муносабатни таъминлашга, уларнинг қўлланилиши устидан самарали мониторингни йўлга қўйишга чақиради.

**Фурқат САНАЕВ,**
**Игорь САНЕЕВ.**

# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга

Термизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг сайёр мажлиси ўтказилди. Унда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятидаги ижроси ва республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бош бошқармаси томонидан бажарилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилиб, унинг ҳуқуқий асослари изчил такомиллаштириб борилаётир. Шу билан бир қаторда, йўлда ҳаракатланиш маданиятини юксалтириш мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки бугунги кунда транспорт воситалари сони ва йўллардаги ҳаракат тиғизлиги тобора ортиб бораётгани барчамизга маълум. Масалан, Сурхондарё вилоятида жами автомототранспорт воситалари сони охирги ўн йил ичида 26 фоиз ошган. Жумладан, жисмоний шахслар автомашиналари 52949 тадан 77744 тага, яъни 46,8 фоизга кўпайган.

Мазкур ҳолат, ўз навбатида, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга диққат-эътиборни кучайтириш лозимлигини кўрсатади. Мажлисда қайд этилганидек, бу борада воҳада муайян чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Чунончи, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш комиссияси ташаббуси билан жойларда "Яшил чироқ", "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги", "Диққат, болалар!" каби тадбирлар мунтазам ташкил этиб келинмоқда. Айни пайтда носоз транспорт воситалари ҳаракатланишининг олдини олиш мақсадида улар мунтазам равишда техник кўрикдан ўтказилмоқда. Пировардида Сурхондарёда йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг 12 ойи ичида 2009 йилнинг худди шу давридагига нисбатан 4,2 фоизга камайди.

Мажлисда соҳанинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўриш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, мазкур Қонун ижросини таъминлашда йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Гулбаҳор ТАНГИРОВА.**

# КИЧИК БИЗНЕС КАТТА ИШЛАРГА ҚОДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гап шундаки, жамоамиз тадбиркорлик субъектларига яратиб берилган қулай шарт-шароит ва имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, фаолият кўламини йил сайин кенгайтириб бораяпти. Дастлаб қурилиш ва бунёдкорлик хизматлари кўрсатилган бўлса, 2009 йилда Хитой технологияси асосида пишиқ ғишт ишлаб чиқариш, қум ва шағални қайта ишлаш йўлга қўйилди. Ўтган йилдан бошлаб эса қандолатчилик маҳсулотлари ҳам тайёрлана бошланди. Шу тариқа корхонамиз хизмат кўрсатувчигина эмас, балки ишлаб чиқариш субъектига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг янги Фармонига мувофиқ, қўлланилаётган имтиёзлар биз, тадбиркорларни янада фаол бўлишга ундаётир. Жамоамиз буни чуқур ҳис этиб, маҳсулот тури ва хизмат кўламини кенгайтириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Айни пайтда Хитой давлатидан асфальт пишириш, ётқизиш ва зичлаш ускуналари, махсус транспорт воситалари, шунингдек, металлни қайта ишлаш ва мих ишлаб чиқариш минитехнологияларини сотиб олиш ҳаракатини бошлаб юборганмиз. Шартномага кўра, уларни жорий йилнинг иккинчи чорагида олиб келиб, Мустақиллик байрами арафасида янги маҳсулотлар тайёрлашни бошлаймиз.

**Эрали ҚУРБОНОВ,**
**«Етимтоғ кўрки» МЧЖ директори.**
Қашқадарё вилояти

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

**миллий валютадаги янги муддатли омонатларга маблағ қабул қилиш бошланганлигини маълум қилади.**

«БАҲОРГИ»

- Сақлаш муддати — **45 кун**.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
- Бошланғич бадал миқдори чекланмаган.
- Омонатга маблағ **2011 йил 20 апрелгача қабул қилинади**.

«ТАРОНА»

- Сақлаш муддати — **4 ой**.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар ҳар ой ёки омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади.
- Бошланғич бадал миқдори чекланмаган.
- Омонатга маблағ **2011 йил 1 декабргача қабул қилинади**.

«ШИНАМ»

- Сақлаш муддати — **3 ой**.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар ҳар ой ёки омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади.
- Бошланғич бадал миқдори чекланмаган.
- Омонатга маблағ **2011 йил 1 декабргача қабул қилинади**.

*Хизматлар лицензияланган.*

***Шунингдек, миллий валютадаги «Матонат», «Чинор», «Само», «Тикланиш» омонатларининг аввал белгиланган шартларда муддати узайтирилганини маълум қилади.***

*Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!*

**Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.**

**www.nbu.com**

487R/70


> *Банк ва мижоз муносабатларини ривожлантирувчи омиллардан бири — бу, шубҳасиз, ўзаро ишонч тамойилидир. Қачонки, мана шу қоидага таянган ҳолда иш юритилса, ҳар икки томон фаолияти равнақ топиб бораверади.*
> *Қувонарлиси, республикамизда банк-молия тизимини такомиллаштириш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли молия муассасаларининг хизматлари замонавийлашиб, аҳолининг уларга бўлган ишончи тобора ортмоқда.*

# МАҚСАД МУШТАРАКЛИГИ

## банк ва мижоз ҳамкорлигида яққол намоён бўлмоқда

**Молия муассасаларида**

Бу борадаги ишлар самараси республикамиз иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга бўлиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки, хусусан, унинг Навоий вилояти филиали фаолиятида, айниқса, кўзга яққол ташланмоқда. Зеро, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган мазкур молия муассасаси томонидан мижозларга бир қатор замонавий хизматлар таклиф этилиши натижасида банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланаяпти.



Айтиш жоизки, филиал жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини маблағлар билан таъминлаш ҳамда аҳолини ўз хизматларидан баҳраманд этиш учун ҳудудларда, шу жумладан, қишлоқ жойларида банк тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Унинг Навоий, Учқудуқ шаҳарлари ҳамда Қизилтепа, Кармана туманларидаги бўлимлари, шунингдек, бошқа жойларда фаолият юритаётган минибанклари орқали намунали банк хизматлари кўрсатилаётгани бунинг далилидир. Бу, табиийки, банкнинг иш кўламини кенгайтириб, ҳар бир маҳалла ёки оилага кириб бориш имконини оширмоқда.

Бундан ташқари, филиал жамоасининг бўлажак мижозларни тадбиркорлик сир-асрорлари, сармояни мақсадли сарфлаш бўйича махсус курсларда ўқитишни йўлга қўйгани ҳам аҳолида мазкур соҳа хусусида дастлабки тушунча ҳосил қилишга ёрдам бермоқда. Қолаверса, қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатининг соддалаштирилгани, кредитнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинадиган таъминотда қимматли буюмларнинг олиниши, кредит фоизларининг юқори эмаслиги тадбиркорларга маъқул бўлмоқда. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ўтган йил давомида филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 10 миллиард сўмликдан зиёд кредит ажратилиб, бунинг эвазига 7689 та янги иш ўрни яратилгани шундан далолат беради. Ушбу кредитларнинг 1 миллиард 634,5 миллион сўми бошланғич сармояни шакллантиришга, 5 миллиард 403,1 миллион сўми айланма маблағларни тўлдиришга йўналтирилган бўлса, 3 миллиард сўмдан ортиғи микролизинг учун ажратилган сармоялардир.

Бугунги кунда вилоятдаги "Бобомуродов Зоҳид Неъматиллаевич", "Кармана Люкс Сервис", "Кармана Оқ булути", "Лек Фарм", "Искра Ҳазора", "Навоий Малика", "Акмал Бахтиёр", "Қиш гавҳари" сингари корхоналар банкнинг маблағларидан фойдаланиб, фаолият юритаётганлар сирасига киради.

Шу билан бирга, филиалнинг 215,4 миллион сўмлик сармояси ҳисобига касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 111 нафари ўз тадбиркорлик ишларини бошлаб юборди.

Филиал жамоаси, шунингдек, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида корхоналарга технологик ускуналар сотиб олиши учун бир миллиард 340 миллион сўм, 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан эса, бир миллиард 586,4 миллион сўм маблағ ажратди. Аёл тадбиркорларга берилган кредитлар миқдори бир миллиард 807,1 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ёш оилаларга йўналтирилган маблағлар бир миллиард 220,9 миллион сўмдан ортди.

Филиалда нақд пулни банк кассаларига кирим қилиш ва аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Жумладан, ўтган йил давомида банк кассаларига 38 миллиард сўмдан зиёд тушум қилинди.

"Микрокредитбанк"нинг Навоий вилояти филиали томонидан омонат турларининг аҳоли учун қулай ва имтиёзли шартларда тақдим этилаётгани натижасида эса бир йил мобайнида уларга жалб қилинган маблағлар миқдори икки миллиард сўмдан ошди. Шунингдек, Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларга эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида филиал жамоаси жорий йилда омонатлар турларини кўпайтириб, 22 тага етказди. Уларнинг ҳар бири аниқ мақсад ва имкониятларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

> Маълумки, бу йил Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинди. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган Давлат дастури доирасида тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Пировардида вилоятдаги қишлоқларда сартарошхона, ҳаммом, пойабзал таъмирлаш устахонаси, либослар ательеси, суратхона сингари кўплаб маиший хизмат кўрсатиш, паррандачилик, чорвачилик ҳамда бошқа тармоқларга ихтисослаштирилган тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлмоқда. Асосийси, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Навоий вилояти филиали жамоаси меҳнати қишлоқларни обод, аҳоли турмушини янада фаровон қилишга хизмат қилаяпти.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.** t


## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси

*(кейинги ўринларда — Суд департаменти)*

**суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш юзасидан ўтказиладиган танловда қатнашиш истагидаги савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очиқ танловга таклиф этади.**

### 1. Умумий шартлар

Танлов ташкилотчиси — Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади — суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносида (Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 95-уй) 2011 йил 8 апрелдан бошлаб ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар амалга оширилади:

- Олмазор, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари ҳудудлари бўйича 2011 йил 11 майда;
- Ҳамза, Миробод, Бектемир, Мирзо Улуғбек туманлари ҳудудлари бўйича 2011 йил 12 майда;
- Сергели, Яккасарой, Чилонзор, Учтепа туманлари ҳудудлари бўйича 2011 йил 13 майда танлов ўтказилиб, ғолиблар аниқланади.

### 2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шохобчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

***Қуйидаги юридик шахслар танловда қатнашишга қўйилмайдилар:***

— *қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;*

— *олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;*

— *охирги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган.*

***Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:***

— *истеъмолчи учун жойлашган жойнинг қулайлиги, вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги;*

— *мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, навларга ажратилишини ва бутлигини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;*

— *мажбуриятлардан холи бўлган пул маблағлари;*

— *мавжуд яроқли техникаси;*

— *ходимларнинг малакаси ва иш тажрибаси;*

— *кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.*

### 3. Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

— *комиссия номига ариза;*

— *давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*

— *савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*

— *савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шакллар) нусхаси;*

— *савдо ташкилотида назорат-касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;*

— *савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;*

— *савдо дўконининг жойлашган манзили тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 см. ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);*

— *мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, навларга ажратилиши ва бутлигини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10х15 см. ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ҳамда уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;*

— *савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;*

— *талабгорнинг мажбуриятлардан холи пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;*

— *талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;*

— *кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда).*

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек, нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса, унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказилаётган туман (шаҳар)га яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин.

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талабларига жавоб бериши лозим.

### 4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

Ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳудудлар бўйича ўтказиладиган танловдан 5 кун олдин тўхтатилади, ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносида —

**Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 95-уй.**
**Тел.: (8-371) 235-94-67, 235-92-66**

комиссия ишчи органи — ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзилга «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлови»га деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди, 2-хатбошисида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

480R/336



## «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ «ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

# ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

**қуйидаги ускунани сотиб олиш юзасидан № 06/11-сонли тендер савдосини эълон қилади:**

| Лот рақами | Ускуна номи | Миқдори |
|---|---|---|
| Лот № 1 | Водород олувчи қурилма учун адсорбер ускунаси | 4 тўплам |

***Тендер эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давом этади.***

**Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**

**Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.**
**Тел./факс: (+998 75) 780-87-74. Факс: (+998 75) 221-09-04, 221-08-46.**
**Электрон почта: group_hr@sgcc.uz**

486R/49



**ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОРЕЗИДЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ ВА «RESPUBLIKA MULK-AUKSIONI» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

***танлов савдоларига таклиф этади.***

**Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Янгиҳаёт қишлоғида жойлашган собиқ «Янгиқўрғон мева ва узумни қайта ишлаш» ОАЖ мол-мулклари қўйилади.**

**Бошланғич баҳоси — 455 311 000 сўм.**

***Танлов савдоси шарти*** — энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш, сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

***Объектнинг қисқача тавсифи***

Ер участкасининг майдони — 28625,84 кв.м. Коммуникация тармоғидан электр таъминоти мавжуд.

Ҳудудда қуйидаги бино ва иншоотлар мавжуд: спирт омбори — бир қаватли ғиштли бино, майдони — 285,6 кв.м.; коньяк спиртини ишлаб чиқариш цехи — бир қаватли ғиштли бино, майдони — 90,7 кв.м.; қозонхона биноси — бир қаватли ғиштли бино, майдони — 75,0 кв.м.; дам олиш хонаси ва сауна — бир қаватли ғиштли бино, майдони — 91,2 кв.м.; маъмурий бино — бир қаватли ғиштли бино, майдони — 291,0 кв.м.; соябон (навес) — бир қаватли ғиштли бино, майдони — 678,15 кв.м.

Шунингдек, завод ҳудудида 28 дона темир-бетон резервуар ва турли ҳажмдаги металл цистерналар мавжуд.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2011 йил 11 май соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси биносида ўтказилади. Талабгорлардан буюртманомалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо бошланишидан уч кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

**Танлов савдоларида қатнашишни истаган талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт:** танлов қатнашчисининг буюртманомаси, танлов ҳужжатлари, шу жумладан, таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хорижлик сармоядорлар — юридик шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда), талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси, танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертда маҳкамланиб, муҳрланиб тақдим этилиши лозим. Закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг реквизитлари, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси ва бошқалар илова қилинган ҳолда топширилади. Ҳужжатларни шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Олди-сотди шартномаси танлов савдоси якунлари бўйича баённома расмийлаштирилган санадан бошлаб 20 кун муддат ичида тузилади. Танлов савдоси ғолиби томонидан объектни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига объектни сотиб олиш баҳосининг 0,5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Танлов савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika Mulk-Auksioni» ДКнинг ХОАТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 206761326, 20210000804537599001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Ушбу кундаги танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2011 йил 18, 25 май кунлари соат 11.00 дан бошлаб юқоридаги манзил ва шартларда ўтказилади.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:**
**100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, 15-қават, Давлат мулки қўмитаси биноси.**
**Телефон: (8-371) 239-83-82. Факс: (8-371) 150-34-46. Email: info@mulk.uz**

488R/1371


Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси агентликнинг Таржима таҳририятида узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийси **Венера ҲАБИБУЛЛАЕВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, филология фанлари номзоди Абдуваҳоб Мадвалиевга акаси **АБДУСАТТОР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти жамоаси етакчи илмий ходим, профессор Р. Н. Ибрагимовга турмуш ўртоғи **Амина ИБРАГИМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

*Наманган деганда мен заҳматкаш, меҳмондўст, иймон-эътиқоди бақувват, юксак маънавий фазилатлари билан ажралиб турадиган одамларни кўз олдимга келтираман... Бу халқ ўзининг меҳнатсеварлиги, одамийлиги, хушмуомаласи, меҳр-оқибати билан кишида ҳавас уйғотади.*

**Ислом КАРИМОВ.**



**Гўзал Фарғона водийсини олтин узукка қиёсласак, ҳеч шубҳасиз, Наманган ана шу узукнинг ёқут кўзидир. Зотан, истиқлол йилларида Наманган вилояти иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Бу ердаги ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишларини кўрмоқчи бўлсангиз, Намангангa келинг. Вилоятнинг фусункор боғлари, этаги уфқларга туташ ям-яшил ғаллазорлари, бири-биридан кўркам шаҳару қишлоқлари баҳор оғушида янада кўркам қиёфага кирган. Ерга яхши ният билан барака уруғлари қадалмоқда, кўчатлар ўтқазилмоқда. Ҳар соҳада, ҳар жабҳада мустақилликнинг қутлуғ 20 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилмоқда. Сезаётган бўлсангиз, бу галги саҳифамиз она-заминдан дур ундираётган бир сўзли, қўли гул, меҳнаткаш ва фидойи НАМАНГАНликлар ҳақида.**

# Водийларни яёв кезганда...

**Вилоятимиз азалдан ўзининг қўли гул ҳунармандлари билан машҳур. Хусусан, Наманган шаҳри, Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой ва Поп туманларида халқ амалий санъатининг каштачилик, дўппидўзлик, пичоқчилик, темирчилик, косибчилик, тикувчилик, кулоллик, наққошлик турлари, айниқса, ривожланган.**

## «УСТОЗ — ШОГИРД» МАКТАБИ

**Ҳунармандчилик**

Маълумки, мустақиллик йилларида миллий ҳунармандчиликка алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонига асосан, ҳунармандларга бир қатор имтиёзлар берилиши, айниқса, соҳа тараққиётида асосий омил бўлаётир.

Ғурумсарой кулоллигини ҳозир уста кулол Ваҳобжон Буваев қайта тикламоқда. У республика ва халқаро миқёсдаги танловларнинг ғолиби бўлиб, қишлоғидаги 20 нафар ёшни шогирдликка олган. Наманган шаҳрида яшаб, ижод қилаётган Ўзбекистон халқ устаси Маҳмуджон Жўраев томонидан яратилган нақшинкор буюмлар истиқлол йилларида ўз қадр-қимматини топган бўлса, Латип Аҳмаджонов "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси сифатида уюшма томонидан ташкил этиладиган барча тадбирларда фаол қатнашиб келмоқда. Айни пайтда Латипжон атлас ва адрас тўқиш сирларини ёш авлодга ўргатишда ҳам фидойилик кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ёнғоқ пўсти, қизил лавлаги ва пиёздан табиий ранглар олиб, миллий нақшларни ишлатган ҳолда, кейинги йилларда атласнинг "Анор", "Тумор", "Шохбарг", "Гажжак", "Нодира", "Бодомча" каби намуналарини яратди.

Дарҳақиқат, Наманганда бундай уста ҳунармандлар жуда кўп. Ҳозир уюшма аъзоларидан 650 нафари миллий ҳунармандчиликнинг 31 тури бўйича фаолият кўрсатаётгани, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг биринчи чорагида вилоятимизда 190 дан ортиқ "Устоз — шогирд" мактаби ташкил этилиб, уларга 500 нафардан зиёд ёшлар жалб қилингани бунинг тасдиғидир.

**Икромхон КАРИМОВ,**
**«Ҳунарманд» уюшмасининг вилоят бошқармаси бошлиғи.**

**ЧУСТ — мўъжаз шаҳар. Бироқ аҳолиси гавжум, серфайз, бозори тўкин, ҳар бир фуқароси хушмуомала, хуштакаллуф, ҳунарманд. Йўқ. Бу галги ҳикоямиз ушбу кўҳна шаҳар, унинг қилни қирқ ёрадиган қўли гул одамлари, довруғи етти иқлимга таралган дўппидўзу пичоқчилари ҳақида эмас, балки шаҳарнинг шундоқ тепасидаги Карнон қишлоғи, бу қишлоқнинг содда, дўлвор, деҳқончилик илмини сув қилиб ичган меҳнаткаш, меҳмоннавоз кишилари ҳақида. "Модомики, гап Карнон ҳақида экан, бунга Чустнинг нима алоқаси бор?" демоқчимисиз? Шундай алоқаси борки, асти қўяверинг!**

## КАРНОН ЭМАС... КОНИ НОН

Карнонни назаркарда қишлоқ, дейишади. Дарҳақиқат, бу қадим қишлоқда кўп улуғ инсонларнинг қадам излари бор. Буюк ватандошимиз, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг машҳур "Бобурнома" асарида Карнон, карнонликлар ҳақида кўп илиқ фикрларни ёзиб қолдирган. Саркарда бошига қаро кунлар тушгач, туғилиб ўсган юртидан мосуво бўлиб, хорижга йўл солганда, бир неча кун Карнонда тўхтаб, бу сўлим қишлоқнинг мусаффо ҳавосидан, нон-тузидан, карнонликларнинг меҳру оқибатидан баҳраманд бўлган. Қишлоқнинг эъзозли отахонларидан Омонуллахон Тўраевнинг айтишича, ўшанда карнонликлар Бобурнинг йўлига тандирдан янги узилган бир сават иссиқ, бўрсилдоқ нон билан пешвоз чиқишган. Ана шунда Бобур "Карнон нонга кон қишлоқ экан", деган экан. Ҳақиқатан ҳам, Карнон атамаси туб мазмуни Коннон, кони нон деган маънони англатади.

— Бу файзли, тароватли қишлоқ биз чустликларнинг сиҳат-саломатлигимиз, янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, ризқ-рўзимиз манбаи, — дейди Чуст шаҳар босмахонасининг директори Шукурхон Тошхожаев. — Ишонсангиз, шаҳар аҳлини сут, қатиқ, қаймоқ, турли кўкатлар билан, асосан, ана шу карнонликлар таъминлаб туришади.

Карнонда бўлганимизда, бутун умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган, пири бадавлат инсон Маъруфжон Тошпўлатовдан:

— Шу фикрга нима дейсиз? — деб сўрадик.

— Рост гап, — деб маъқуллади Маъруфжон муаллим. — Бизнинг қишлоқда сигири йўқ хонадоннинг ўзи йўқ. Истаган оилага киринг,

**Оилавий бизнес**

оғилида тўрттагача говмиш боғланган. Ҳар бири олти-етти, айримлари ҳатто ўн-ўн беш литрдан сут беради. Қатиғи билан қаймоғини пичоқ билан кесиб ейсиз.

Аёлларимиз тонг саҳарда туриб, сигирини соғиб, Чуст томон отланишади. Бу шаҳарда ҳар бир "сутчи", "қатиқчи" ёки "қаймоқчи"нинг ўз мижозлари бор. Яна "кўкатчи"ларимиз ҳам ошкўкларнинг минг бир турини Чуст, Наманган бозорларига етказиб беришади. Қисқаси, ҳозирги давр тили билан айтганда, карнонликман деганнинг "оилавий бизнеси", даромаду буромади, рўзғорининг тўкислиги чорвачилик ва деҳқончиликдан. Мана, Ғафуржон айтсин, ҳамқишлоқларимиз ёрдамчи хўжалигидан ортирган даромади эвазига уйлар қуришаяпти, тўйлар қилишаяпти. Орзу-ҳавасларига етишаяпти.

— Бундан ўн беш-йигирма йил аввал қишлоғимизда, нари борса, беш-ўнта енгил машинали хонадон бор эди. Бугун ҳар икки кишининг бири ўз техникасига эга, — дейди Карнон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ғафуржон Тешабоев. — Яқинда ҳисоблаб чиқдик. Шу йилнинг дастлабки чорагида 52 та хонадон енгил машина сотиб олибди...

Карнонда бугун 7 минг нафардан зиёд аҳоли яшаяпти. 1187 та хонадон мавжуд. Бизда бекорчининг ўзи йўқ. Етти ёшдан етмиш ёшгача — ҳамма-ҳамма ҳаракатда. "Ҳаракатдан — баракат" деганларидек, қишлоғимиз йил сайин обод бўлиб, одамларимиз турмуши фаровонлашиб бормоқда.

Қишлоқни айланиб юрарканмиз, раис билан йўл-йўлакай бир-икки хонадонга кириб ўтдик.

— Тўрт бош молимиз бор, шундан учтаси сигир, — дейди 15-мактаб муаллимаси Шоҳидахон ая Эргашева. — Гўшт ҳам, ёғ ҳам ўзимиздан чиқади. Сут, қатиқ, қаймоқ сотиб, йилига етти-саккиз миллион сўм фойда кўрамиз.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси Наргиза Саттsecurityованинг ҳам уч бош сигири бор. Наргизахон бу билан кифояланмай, фарзандлари билан бўш ётган ерда ажойиб тутзор яратган. Ипак курти боқувчиларга барг етказиб беради. Ўзи ҳам ҳар йили курт тутиб, 200 — 300 килограммдан "кумуш тола" етиштиради.

Ака-ука Ҳабибжон, Камолиддин Бегматовларни "кўкатчи" сифатида бутун Чустда яхши билишади. Шу каби карнонлик деҳқонлар ердан йилига 2 — 3 марталан ҳосил кўтаришнинг обдан ҳадисини олишган.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг дастлабки чорагида 200 нафардан ортиқ уй бекаларини тадбиркор сифатида рўйхатга олиб, меҳнат дафтарчалари очдик, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Карнондан қайтаётганимизда, кўкда тўдалашиб юрган булутлар қуюқлашиб, ёмғир ёға бошлади.

— Оҳ-оҳ! Экин-тикинларнинг жони кирадиган бўлди, — деб қўйди Маъруфжон муаллим.

Баҳор ҳавоси-да. Бир зумда булутлар чоки сўкилиб, уятчан қишлоқ қизидай офтоб мўралади. Чуст билан Карнон тепасида камалак пайдо бўлди. Борлиқни яшнатиб, минг бир рангда жилва қилаётган камалак шу топда меҳр-оқибатли икки оға-ини — Чуст билан Карноннинг кифтидан қучиб турганга ўхшарди...

**Али ЗИЁДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Наманганнинг қирмизи олмаси қўшиқларда мадҳ этилган. Дастурхонга безак, танага қувват бўладиган дармондориларга бой бу тотли неъматнинг салмоқли қисми Янгиқўрғон боғларида етиштирилади.*

*— Шу боис ҳамқишлоқларимизнинг барчаси кўчат экиб, боғ яратишнинг ҳадисини олган, — дейди Бекобод қишлоғилик фермер Юнусбек Ризаев. — Боғлар фермерлар ихтиёрига ўтгандан сўнг шу тажриба янада асқотди. Буни олма, нок, олхўри парваришланаётган 87 гектар боғимизда ҳосилдорлик йил сайин ортиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Биргина ўтган мавсумнинг ўзида 820 тонна ҳосил йиғиштириб олдик.*

## НАМАНГАННИНГ ОЛМАСИ...

"Ризаев Юнусжон Мансурович" фермер хўжалиги раҳбари таъкидлаганидек, боғлар эндиликда ҳақиқий соҳибини топиб, саховат "сандиғи"ни очди. Сабаби, янгиқўрғонлик фермерлар 5029 гектар боғ ва 3169 гектар токзорни босқичма-босқич янгилаб, хусусан, олманинг "Семиренко", "Супер голден", олхўрининг "Қора арман", нокнинг "Косоннок" сингари серҳосил, истиқболли навлари билан тўлдиришди. Бугун янгиланган боғлар ҳам тўла ҳосилга кирган. Натижада ўтган йили 21335 тонна мева, 15450 тонна узум етиштирилди, шартнома мажбурияти тўла бажарилиб, 7 — 10 фоиз ўсишга эришилди. Эътиборли жиҳати, соҳа меҳнаткашлари эндиликда ҳосилни қайта ишлаш орқали даромадни кўпайтириш чора-тадбирларини ҳам кўришмоқда. Жумладан, бултурги ҳосилнинг 12 минг тоннаси қайта ишлаш корхоналарига топширилди. 14 миллион АҚШ долларилик 6000 тонна мева ва сабзавот эса хорижга экспорт қилинди.

**Боғдорчилик**

Айни пайтда туманда мева ва узумни қайта ишлаш бўйича иккита йирик, тўртта кичик корхона фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилда яна бир янгиликка қўл урилди. Пойтахтимиздаги "Promholod Tashkent" компанияси билан ҳамкорликда саккизта фермер хўжалигидаги 53,5 гектарлик боғларда янги боғдорчилик технологияси жорий этилмоқда. Яъни шу асосда олманинг паст бўйли, бутасимон навлари ўтқазилиб, боғлар усти тўла сим тўр билан ёпилади, кўчатларни томчилатиб суғориш йўлга қўйилади. Эътиборлиси, бу ердаги жараёнларнинг барчаси компьютер ёрдамида бошқарилади. Янги қурилаётган музхонада эса ҳосилни 3 — 8 ой давомида худди шохдан узилгандай сақлаш имконияти юзага келади. Демак, қўшиқларда куйланган Наманган олмасининг довруғи янада ошади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





**Ҳар бир шаҳарнинг ўзига хос қиёфаси, нуфузи, аъмолини белгилаб берадиган хусусиятлари бор. Чунончи, Наманган анвойи гуллари, уста гулчилари билан азалдан довруқ таратган. Вилоятдаги қайси бир ҳовлига кирманг, нигоҳингиз, даставвал, турфа гулларга тушади.**

## Гул бир ён, чаман бир ён...

Гулчилик — бизга отамерос. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу ишни падари бузрукворимдан ўрганганман. У киши муаллим бўлишига қарамасдан, бир умр гулчилик билан шуғулланиб келдилар.

Шаҳримизда анъана тусини олган "Гуллар байрами"да ҳар йили фаол қатнашамиз. Отам билан биргаликда ташкил қилган кўргазмамизга бир гал бош соврин — енгил автомашина ҳам берилган. Гапнинг сираси-

**Қадрият**

ни айтганда, бу касб оилавий бизнесимиз ҳисобланади.

Албатта, гулчилик билан шуғулланиш кишидан кунт ва ҳафсала, тинимсиз меҳнат талаб қилади. Қолаверса, ҳар жиҳатдан нозик бу ўсимликни парваришлаш учун етарли шароит зарур. Шундан келиб чиқиб, ҳовлимиздаги учта иссиқхонада 10 минг тупдан ортиқ турфа гул етиштирилаяпти. Уларнинг аксарияти ноёб навлардир. Масалан, кактуснинг кўплаб турини ўтказганмиз. "Эхинокактус" деган турининг ёши 45 дан ошди. Шунингдек, Франциядан келтирилган, икки хил рангда очиладиган "Бурген виллия", Жанубий Американинг "Королевская бегония"сини ҳам маҳаллийлаштириб, кўпайтираяпмиз.

Гулни севган, уни ардоқлаган кишининг кўнгли гулдай пок бўлади. Қолаверса, эл орасида гулзор яратиб, ҳовлиси, кўча ва маҳалласини яшнатганнинг обрў-эътибори ортади. Бу юмуш билан шуғулланиш катта даромад келтириши билан бирга, оилада ўсаётган фарзандлар учун меҳнат тарбияси, улар қалбида гўзалликка ошнолик, табиатга меҳр туйғуларини мустаҳкамловчи омиллардан биридир. Касбимиз ана шу жиҳатлари билан ҳам қадрли.

**Рустамжон МЎМИНОВ,**
**гулчи.**

**Чортоқ тумани — бепоён боғ-роғлари, ширин-шарбат мевалари, сархил сабзавот маҳсулотлари, сўлим табиати ва, албатта, шифобахш сувлари билан маълум ва машҳур.**

## ЧОРТОҚНИНГ ШИФОБАХШ СУВЛАРИ

Бу гўзал маскандаги "Чортоқ" сиҳатгоҳи, унга ёндош болалар санаторийси ва "Эркин" хусусий оромгоҳида ҳар йили минг-минглаб юртдошларимиз мусаффо ҳаводан, шифобахш сувлардан баҳраманд бўлиб, ўз дардларига даво топиб кетмоқдалар.

Чортоқ сувининг таркибида сульфат, натрий, калий, магний, кальций каби инсон соғлиғи учун зарур кимёвий моддалар жо бўлгани туфайли у сурункали гастрит, ошқозон яраси, қанд ва жигар хасталиклари, колит, панкреатит каби кўплаб касалликларни даволашда яхши самара беради.

Шунинг учун ҳам Кичик

**Саломатлик**

бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида республика курортлар бошқармаси ҳамда "Чортоқ" санаторийси билан ҳамкорликда "Чортоқ шифобахш сувлари" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдик. Бу ерда хориждан олиб келиб ўрнатилган замонавий технология соатига икки минг дона қадоқланган шифобахш сув ишлаб чиқариш қувватига эга. Идишлар ҳам шу ернинг ўзида тайёрланади.

Жорий йилда 1 миллион 200 минг шартли идишда шифобахш сувни қадоқлашни мақсад қилиб қўйганмиз. Маҳсулотимизни, асосан, шартнома асосида республикамиздаги турли санаторийларга, бир қисмини эса савдо тармоқларига етказиб бераяпмиз. Келгусида корхонани янада кенгайтириб, маҳсулотларимизни хорижий давлатларга экспорт қилишни ҳам мўлжаллаб турибмиз.

**Муродилла ҲАСАНОВ,**
**«Чортоқ шифобахш сувлари» масъулияти чекланган жамияти раиси.**

## МУАЛЛИМ ЯРАТГАН НАВ

***Уйчи туманидаги спорт коллежи муаллими Абдусаттор Мусаев — деҳқончилик ошуфтаси.***

**Янгилик**

Ихтисослиги физика муаллими бўлган Абдусаттор бундан анча йил муқаддам хориждан ер ёнғоқ уруғини олиб келиб, маҳаллий шароитга мослаштиришга киришганди. Бу борада унга ҳудуддаги "Қизилравот" тажриба хўжалиги ҳамда Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти мутахассислари яқиндан ёрдам беришди. Ниҳоят, узоқ йиллик синов-тажриба ишлари самарасини кўрсатиб, ер ёнғоқ Уйчи заминида мўл ҳосил бера бошлади. Бир ҳовучгина уруғлик тонналарга айланиб, уни қишлоқдаги томорқаларда, шунингдек, қатор фермер хўжаликларида ҳам экиш йўлга қўйилди.

— "Уйчи спорт — 2010" деб номланган бу нав оммалашиб кетганининг сабаби бор, албатта, — дейди тадқиқотчи муаллим. — Қулай жиҳати, уни эртаги экинлардан бўшаган майдонга экиб, такрорий ҳосил олиш мумкин. Чунки, у тезпишар бўлиб, одатдаги ер ёнғоқ навларидан икки ой илгари, яъни тўрт ойда йиғиштириб олинади. Мағзи тўлалиги ва ширинлиги билан ҳам у барчага манзур бўлмоқда.

**Н. ҚУДРАТОВ.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5